нинг қисқача мазмунини. Мирмуҳсиннинг ижодий нияти аниқ кўзга ташланиб турибди. Бу — ўша замонага, яъни темирйиллар даврига хос ҳаётнинг алғов-далғовларга истеъдоднинг ўзича йўл топа олмаслиги, бошқача айтганда унинг емирилиши. Д. Матушевский эса романдаги бу маънони тушуна олмайдди-ки тушунишни истамайди. Шу сабабдан у объектив ҳақиқатни бошқа томонда қолдириб, яъни, романдан бевоқиф келиб чиқадиган маънони назардан четлаштириб, ўзича романига ёпишмайдиган сўғий мазмун ўйлаб чиқаради ва бунини Мирмуҳсин темирйиллар даврининг улугворлиги ва қудратини кўрсатмоқчи, деб ифодалайди. Ўз фикрини исботлаш учун романда иштирок этадиган, лекин асар мазмунини биринчи ўринда кўрсатилмаган Улугбек, Шохрух сингари тарихий шахслар номларини тилга олади. Борди-ю Мирмуҳсин бу тарихий шахсларни тасвир марказига қиқариб қўрсатганда ҳам уларнинг ҳақти ҳаракатлари, қисматларини совет ёзувчиси сифатида, ўша давр ҳаётидан келиб чиқиб, ўша давр ҳаётига хос ўзаро эъдиқлар, ўзаро қирғинлар фониди кўрсатар эдики, бу ҳол ҳам, албатта, Д. Матушевский фикрларини тасдиқламас эди.

Ю ҚОРИДА айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқади: Ғарбий мамлакатларда Шарқ маданияти таъриқоти билан шугулланувчилар ўз ниятлари, дунёқаравларига кўра ҳар хил, Баъзиларини бошқа халқлар маданиятига ҳурмат-эътибор билан қараб маданий фактларни халқларнинг бир-бирларига яқинлаштириб, бир-бирларини тушунишни билан боғламоқчи бўладилар. Бундай оқимларнинг ишлари, шубҳасиз, фойдалан ҳоли эмас. Иккинчи хиллари эса Шарқ маданияти таъриқотидаги фактларни нотўғри шарҳлаб, нообъектив баҳо бериб, ўқувчиларда нотўғри таассурот қўлириш учун уринадилар, СССР халқларининг монолит билимга, бузмас дўстлигига раҳна солиб ўқуларини социализмга қарши ниятларини амалга оширмоқчи бўладилар. Ана шу хил «тадриқотчи» тўғрисида, буютчи халқларнинг тикни қавилларидан бири Д. Матушевский-дир. Бундай бўхтонларнинг умри қисқадир.

Боғи-роғлар керак ва янграган куй
Ҳалол меҳнат нонин хотиржам емак!

Халққа нима керак! Ўз эркинлиги,
Омон бўлса басир шу еру замин.
Элга хотиржамлик, тинчлик тилайди,
Фотиҳага қўл очиб деганда: «Омин!..»

VI

Халқнинг ғояси шу!
— Албатта тинчлик!
Ўзга нияти йўқ халқнинг мутлақо!
Лекин минг афсуски!..

— Нера бу афсус!

Тинчликни истасанг тинч қолма асло!..
Биламан сукунатинг аломатини ҳам—
Асаб тобланишин сўнгги йўқтаси.
Бу ҳам одамзодга атом асрининг,
НТР асрининг берган тухфаси.

Биламан феълингни, беозор зотсан,
Бировлар озорин истамайсан, ҳа!
Аммо, сен одамлар, дунё тинчлигини
Истасанг, ҳа, ҳайқир, сукут сақлама!

Сен шундай ҳайқирки, ҳайқирингидан
Одамлар тинчлиги бузилмас зинҳор!
Йўқ, сукут сақлама! Қанча ҳайқирсанг,
Тинчлик шундагина бўлар барқарор.

— Қошиқ бўлса эди! Бу фақат ният,
Ахир ният ўзи ёрти мол ҳолос!
Фақат ният билан бутун дунёни
Қилиб бўлармикан қирғиндан халос!?

Тинчликни истаймиз! Истаймиз аммо,
Дунёни қўлида у даҳшатли қурол!
Ушлар нафсини, манманлигини
Енгмасдан бўлурми тинчлик барқарор!

— Сен шундай ҳайқирки кирсин овозинг
Халқ қадами етмас хоналарига.
Оқ уйнинг ўқ ўтмас деразалари
Чил-чил бўлсин халқнинг нолалирига.

Халқлар ҳайқирғи уларнинг нафсин,
Ҳокимлик гурури агар босмаса,
Халқларга тинчлик йўқ! Йўқ-йўқ
битмағай

Уруш, қирғин деган қонли вавсаса!

Тинчликни истасанг, шундай ҳайқирки,
Дунёни ўртамай атом бомбаси,
Атом соҳибларин қалбин ўртасин
Инсонлар овози, тинчлик ғояси!

Тўғри, сен айтганча галвали дунё,
Атомлар, НТР асри бу, дўстим.
Лекин амин бўлки, атомлар эмас,
Инсоннинг идроки, инсофи ҳоким!

ПОЭЗИЯ КЕНГАШИДА

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Поэзия кенгашининг навбатдаги йилги шайи бўлиб ўтди. Йилги шайи кенгаши раиси, таниқли шоир ва ёзувчи Мирмуҳсин кириш сўзи билан очди.

Йилги шайи шоир Жамол Камолнинг «Ражаб Ашуров достони» поэмаси муҳокама қилинди. Муҳокамада иштирок этган Шукрулло, Эркин Воҳидов, Гўлчехра Нуруллаева, Омон Матжон, Маъруф Жалил, Шукр Қурбон достоннинг мавзуси ҳозирги давр проблемаларига бағишланганини, юксак бадиий дид билан битилганлигини қайд этишди ҳамда айрим жузъий намчиликларини кўрсатиб ўтдилар.

Шоир Жамол Камол қимматли фикр-мулоҳазаларни учун кенгаш аъзоларига миннатдорчилик билдириди, кўрсатилган намчиликларини кўриб чиқишини айтиди.

Бу санъаткор рассомнинг ҳаёти аjoyиботларга тўла.

Ўзбекистонлик рассом Александр Волков 1886 йилда Фарғонада туғилди. Унинг отаси ҳарбий врач, онаси эъли эди. Александр Волков Тошкент, Петербург ва Киевда таҳсил қурди. Улар рассом Врубелнинг Киевдаги монументал асарлари Волковда кучли таассурот қолдирди. Унинг асарларини эър қизини билан ўрганиди. Врубел асарларига ошқинлик унда бир умрга сақланган. 1916 йилда Тошкентга қайтиб келиб чизган «В. И. Волкова портрети», «Форс қиз», «Иблис» асарлариди Врубелнинг таъсири аниқ сезилди. 1916 йилдан бошлаб Волков таъсири санъатнинг футуризм, кубизм, экспрессионизм, примитив сингар турли оқимларини бошиб ўтди. Ленин шуиси аjoyибки, Волковнинг барча изланишларида Ўзбекистон, Ўрта Осиё халқлари санъатларини беиҳоя севиб ва беиҳоя қизиқиб ўрганиш ва бундан оригинал ижодида фойдаланиш тенденцияси муким, асосий ўрин тутди. Ўзбек халқ санъатининг фусун-

кор, содда, шопрона ранг ҳамда оҳанглари Волков асарларида мафтун этувчи жойибдор куш касб эди. Волков ижодида Ўзбекистон ва ўзбек халқининг янги социалистик ҳаёти ўзининг гўзал, ҳаққоний, ёркин қирралари билан гавдалинди.

Рассом 1920, 1921, 1923 йилларда Тошкентда ва Москвада ўз кўргазмаларини намойиш қилди. Кўргазмалар унга улкан шухрат келтирди. Александр Волков, айниқ-



Ф. ТЮТЧЕВ

Денгиз тун палласи нақадар гўзал, Бунда нурлар баъзи, нарида зулмат. Ой кумуш шўъласин таратган маҳал, Ерлар нафас олар ярақар бехад. Беоён тўлиқли кенглик бағрида Шўъла ва ҳаракат, шовқин, гулдирос. Эри ёркинликда гўзалсан жуда, Кимсанс тун чоғи дилбар, бекиёс. Эй денгиз маньялари, эй тенгизс қудрат, Килинги шарофига бундай тангана. Тўлиқ кўприда жўшиб, ярақар, Ёркин юлдуз ёнар юксакда ёна. Ёркинликлар аро қалбимда тўён, Худай тушпадиқдек беҳол турбиман. Қанайди уларнинг бағрига шу он, Қалбимни чўктирсам борлигим билан.

Қўйини, баҳсланимағни, баҳса овора, Излаш ақлсизлик, баҳса аҳмоқлик. Кунузнинг заҳиға уйқундор чора, Эрта нима булар мангалайга боғлиқ. Ғам ва шодлик безовталикка, Чиндасан лийол ол чекиб барчасин. Нимага сиймонмоқ, қайғурмоқ нега Бутунини яшадиги, шукрона қилгин.

МИННАТДОРЧИЛИК

Кеча Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида минг йил бўлиб ўтди. Бу минг йиллик СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан институтга «Хўрмат Белгиси» ордени берилишига бағишланди. Минг йиллик институт тарихининг секретари, филология фанлари доктори Абдуқодир Хайитметов қисқа кириш нутқи билан очди. Шундан сўнг академик Шоназар Шоабдураҳмонов, филология фанлари кандидати Ма-

лохат Абдураҳмонов, Тўра Мирзаев, Бахтиёр Назаров сўзга чиқиб, институтнинг коллектив меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланганини минг йиллик билан туйғулар билан қайд этишди. Бу юксак мукофот институт олимларини янги-янги илмий асарлар яратишга ва филология соҳасида илмий кадрлар тайёрлашга илҳомлантиради.

Минг йиллик катташчилари жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати олиб бораёт-

МАМНУН БЎЛДИК

куй ва қўшиқларни, дилрабо рақсларни томоша қилиб бунга амин бўлдик.

Концерт она Ватанимизнинг оқсояшчилигини кўриқлаётган барча солдат ва офи-

ДЕХЛАВИЙ АСАРЛАРИГА МИНИАТЮРАЛАР

«Фан» нашриёти буюк ҳинд шоири, тарихчиси ва музикашуноси Хисрав Деҳлавий асарларига турли йилларда ишланган миниатюраларни жамлаб «Хисрав Деҳлавий асарларига миниатюралар» номи билан чоп этди.

Бу ишни амалга оширишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлғезмалар

институт олимларининг хизмати катта. Улар Тошкент, Ленинград, Бом, Париж, Лондон кутубхоналарида сақланаётган Хисрав Деҳлавий асарларига миниатюраларни тағаб нашрга тайёрладилар.

Албумда шопирнинг машҳур «Хамса» асарига ишланган миниатюраларга кенг ўрин берилган. Бу миниатюралар ЎзФА Кўлғезмалар

институтда сақланаётган ва шопир ўлимидан ўттиз йил сўнг, 1355 йилда Хофиз Шерозий ҳамда Аҳмад ибн Вали томонидан кўчирилган нусхалардан олинди.

Албумнинг ранг-баранг чизиқлари Хиндистоннинг Патна шаҳри музейи, Деҳли илмий музейи, Хайдаробод шаҳар музейлари ҳодимлари ҳам катта ёрдам берди.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Ҳозирги доллар байтларда пахта майдонларида меҳнат қилаётган одамлар шаънига юракдан айтилган ҳар бир сўз катта дадда бўлади, эртанги меҳнат учун яхши кайфият бағишлайди. Шу маънода яқинда Сирдарё районидида «Ленинград» колхозини далаларида пахта тератётган Ф. Ёллом номидаги Сирдарё Педагогика институтини филология факультетини студентлари ҳузурига бир тўғруқ ёзувчи ва адабиётшуносларнинг келиши кўнглини бўлди. Адабиёт ҳақида, ҳаётнинг турли проблемалари тўғрисида ўзаро фикр алмашишди. Профессор Умаров Норматов ҳозирги адабиётимизда замонавийлик масаласининг ҳал этилиши ҳақида гапирди. Ёзувчи Ёллом Хошимов шу кунларда ҳаммамнинг олдида турган масъулиятли ишлар, ўз асарларининг қаҳрамонлари, уларнинг ёзилиш тарихи ҳақида ҳикоя қилди. Филология фанлари кандидати Абдураҳман Расулов, Раҳматилла Иноғомов ҳозирги ўзбек прозасидаги изланишлар, қардош адабиётлар билан бўлаётган алоқалар юзасидан мисоллар келтириб, мулоҳазалар баён қилишди.

Учрашувни бошқариб борган институт ўзбек адабиёти кафедрасининг муdiri, профессор А. Қўлжонов студентларда чуқур таассурот қолдирган бу мароқли учрашув, дилмақ сўхбат учун меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

И. БОБОМУРОДОВ

СОВЕТ ШОИРИГА МУКОФОТ

Рим шаҳрида Италиянинг тинчликсевар ижодкорлари томонидан ташкил этилган «XX аср шеърияти» халқаро конкурси бўлиб ўтди. Иккинчи марта ўтказилган бу конкурсга турли мамлакатлардан 313 шоир ўз шеърларини тақдим этишди. Италиянинг таниқли адабий таққидчилар, шоирлар ва журналистлардан иборат бўлган конкурс ҳайъати биринчи мукофотни атоқли со-

вет шоири Расул Ҳамзатовга беришга қарор қилди. Иккинчи мукофот италян шоири, перулик Жованни Фероттига берилди.

—Расул Ҳамзатов шеър-яни ўзининг чуқур инсонпарварлиги билан ҳайъат аъзоларини ром этди, — дейди конкурс ташкилотчиларидан бири Арабелла Коподзевич.

Ф. ТЮТЧЕВНИНГ 180 ЙИЛЛИГИГА

Улуғ рус шоири, табиат ва инсон қалби тугўналарининг файласуф куйчиси Ф. И. Тютчев таваллуд тоғанига 180 йил тўлди. Шоир А. Фет Тютчевни «ер юзидидаги энг улуғ лирик» деб атаган эди. Чиндан ҳам, Тютчев ижодиётида табиат ва инсон бир-бирига жуда нозик ришталар билан боғланиб кетган. Тютчев шеърларида табиат худди инсон ҳиссиётлари каби яшайди, нафас олади, куйлайди.

Хали ҳам қўмсайман сени, ўрганиб, Илганиман ҳақон борлигини билан. Ғамгин хотиралар нира товланиб, Кўз ўнгимга келар сенинг қиёфанг. Сенинг азиз сиймонг унутилмасдир, Менинг кўз ўнгимда мангу ланмоён. Ойра ўзармасдир ва қўл етмасдир, Кўкдаги юлдуздек мангу чарогон.

Офтоб чарқалайди, суларал ялтирар, Борлиқда табасум, борлиқда ҳаёт Дарахлар шодлиқдан қалтирар. Зағори осмонда чўзилган шод. Дарахлар куйлайди, яриқар сулар, Ҳаво муҳаббатга қорилиб қолган. Хайт лавзатиға мийриқиб қонган, Дунёнинг илланган дунёси кўлар. Сенинг аозобланим сўниқ қабнидан Бир марта отилса майин табасум. Гулмоққо лавзатин татиган дунё, Яшмоққо завқини туярдн бир зум

Муҳаммаджон ҲАЙДАРОВ таржimaiлари

«АЛЬБАТРОС» НАМОЙИШ ЭТАДИ

Яқинда қардош Чехословакия пойтахти Прага шаҳридаги маҳаллий «Альбатрос» нашриётининг ҳашаматли «Боалар китоблари уйи»да «Ўзбек болалар китоблари» кўргазмаси бўлиб ўтди. Бу кўргазмада нашриётимизда чоп этилган 200 дан ортиқ ранг-баранг китоблар, китоб безаклари, болалар адабларининг портретлари, улаҳ ҳаёт ва ижодиға онд материаллар, пойтахт — Тошкент кўришчилари, Ўзбекистонлик болалар ҳаётидан олинган кўпдан-кўп фотосуратлар ва бошқа материаллар намойиш этилди.

Чехословакиялик ношир дастларимиз кўргазма муносабати билан алоҳида плакат, таклифнома тайёрлашди. Таклифномада «Еш гвардия» нашриёти фаолияти, ўзбек болалар адабиёти, унинг бугунги ютуқлари хусусида баътафсил маълумот келтирилган.

Кўргазма кунлари биз «Альбатрос» нашриёти коллективини, маҳаллий матбуот вакиллари, ўқувчилар, студентлар билан мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини, ўзбек халқининг ўтмиш тарихи, бугунги порлоқ ҳаёти, 6 миллион тоналик «оқ олтин» хирмонимиз, пахтакорлар турмушини ва бошқа мавзуларда сўхбатлар олиб бордик.

Китоблар, шубҳасиз, сўхбатларимизга бош мавзу бўлди. Ноширлар бизнинг замонавий мавзулардаги китобларимизга, ўзбек халқ эртақларига, халқ озгани ижоди намуналарига, ёшлар ҳаёти-

Боши биринчи бетда

Пигирмачи асрда жаҳонга ҳукмрон бўлишни истаган биринчи даъвогар Адольф Гитлер жаҳондаги биринчи ички деҳқон мамлакатини ўз максали йўлидаги асосий ғов деб билди, унга қарши бор кучи билан ташланган эди. Бу кураш нима билан тугатилди? эллик беш миллион одам ҳалок бўлди: минглаб шахар-қишлоқлар, наинки шахар-қишлоқлар, мамлакатлар ҳароб бўлди. Аммо социализм ғоялари ўса ўсдики йўқ бўлиб кетмади. Бунинг ҳар хил напалон ва гитлерчилар эсда тутишлари керак эди.

Афсуски...

Берлин — Рим — Токио иттифоқининг сўнгги ҳаққаси деярли узилган — ғолиб Совет Армияси томонидан Япониянинг сара Квантун армияси емириб ташланган, Хитой, Корея деярли озод этилган, бир пайтда АҚШ Хиромса, Нагасакига атом бомбаси ташланди.

Ҳарбий объектлар бу кичи шаҳарнинг кунфайқун қилини нега зарур экани эндиликда сиёсатдан озгина ҳалбардор ҳар кимга ҳам маълум: Америка фашизмга қарши курашда афкор омма ўрасида обрўси ошиб кетган Совет Иттифоқини «тийиб» қўймоқчи бўлган эди. Совет Иттифоқи чўчимади: ўз атом бомбасини яратди!

Илоҳи қанча. Социализм самараларини империализмга ўзравонлардан ҳимоя қилиш учун ўзининг атом бомбасига эга бўлишга мажбур эди. Курол-яроғ, куч-қудратда ҳимоя тенг бўлишга интилади. Бу ҳолини СССР муҳофафза министри Д. Ф. Устинов 1981 йили берган Баёотнода ҳам таъкидлаган: Совет Иттифоқи билан Ўшма Штатлар ўртасида, Варшава Шартно маслиҳатлар билан НАТО ўртасида стратегик ядровий куроллар бўйича деярлик мувозанаг мавжуд. Бунинг мен бутун масъулиятни ҳис этгани ҳолда тасдиқлайман, деган эди. Ўша пайтда давлат секретари лавозимда бўлган Хейл ҳам ҳарбий стратегик мувозанаг мавжудлигини эътироф этган эди. Рейган бундай тенгликка рози бўлмади. «Йил ўн йил ичида СССРга нисбатан стратегик устунликка эришиш» программасини амалга ошираман, деди.

СССР кўл қовуштириб турар экан-да...

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотида ҳукуматимизнинг тинчлигини сақлаб қолиш йўлида амалга ошираётган чора-тадбирлари аниқ равшан кўрсатиб ўтилди. Вўтун жаҳон тараққиётларар жамоатчилиги бу Баёотно кизгин қўллаб-қувватламоқда.

Қўшма Штатларнинг қадим этган жой борки, у ердадан дод саси келди. Ҳали халқларнинг хотирдан кўларилганича йўқ Вьетнамда

ОҚ УЙНИНГ ҚОРА ҚИЛМИШЛАРИ

ги қонли фожиалар! У ерни энг-янги куроллар, ендирувчи, заҳарловчи бомбалар, миналар, ҳар хил типдаги ҳарбий самолётни синов полигонига айлантирмаганимизда Америка! Ленин бари бир эрк қўшидан сув ичган халқни бўғиб таштай олмади. Шармандаси чиққани қолди.

Жаҳонга ҳукмрон бўлиш орузида курган Америка империализмининг дастлабки қадамлариданоқ қолган қонли излар ана шулар.

Америка империализми дўқ уриш билангина чекланмайпти. Унинг қўллари ҳозирданок бегуноҳ норасида ҳудуди бир тули ҳам очилмаган, ҳалоклари муҳаббатга ташна йилит қизларнинг қонига беланган! Бордиро вақтида тўхтатилмас...

«Йўқ, ўйлашнинг ўзи дахшат!»

14 ноябрь кунин Лондон яқинидаги Гринэм-Коммон ҳарбий ҳаво базасига Америка қанотли ракетапарининг биринчи партияси кела бошлади. Италия парламентида эса Сицилия оролига жойлаштириш планлаштирилган қанотли ракетапарини келтиришга фатво берилди. ГФР Бундестагида ҳам.

Ўз территорияларига янги Америка куролларини жойлаштиришга рози бўлганларнинг ақл-фаросатларига ҳайрон қолсан, киши. Наҳотки, улар Вашингтон ҳужум мурватини бошичи Ҳамон Америка ракетапарини пултида турганлар билан бир вақтда бу сигналдан биз ҳам оғза бўлишимизни тушунишмасан? Наҳотки, Ер кучини миқёсда ўт олиши мумкин бўлган ҳалокатни ўйлашмасан? Уни яқин билган америкалик ёзувчи Гор Вилданинг хабар қилишича, Рейган биринчи ҳолинингта, ҳеч нимани ўйламашунинда қилсан фароғатда яшаймиш, деб насихат қилар экан. Ўзи шу принципга амал қиларкан.

Ўйлаш, тафаккур қилишга ноқибол боланинг мактабда омон қўганини турган гап. Машҳур спортчи бўлишга нима етсин! Бир амаллаб у ўзи яшаган Диксон шаҳридаги футбол командасига кирипти. Оёққўли узун эмасми, тўп кетидан чопиш, тегишни эплатадиган. Аммо Пеле, ақалли Гарринчалик шухрат қозонолмагач, футболдан кўнгли совупти. Спорт шарҳловчиси бўлиб кетибди. Телевидение пайдо бўлиши билан дикторликка ўта қолди. Телеспектаклларида роллар икрос эди. Голливуд менежерларининг ҳам назарига тушиб, отди-отди, чопти-чопти тўла фильملарда, айланиш қонли ролларини қўйиб олди. Киноқолду ҳам бўлиб олди.

Голливудда эканида, эллигини йилларда, Рональд Рейганининг кўқисдан кунин

туғди. Йўқ, актёр сифатида эмас... Фукронинг давлатга хайрихоҳлигини текшириш бошлангиди. Сенатор Маккарти бошлиқ Федерал бюро чин сўзи, ҳақиқатда лаб одамларга «коммунист» деган тағма босиб давлат идоралари, ишхоналардан қувғин қила бошлади. Янги «алвасти овлан» анж олди. Рейган шу ҳаракатда жуда иш берди. Кимки унга ола қараган, икрос этган ролларини таниқил қилган бўлса, қора рўйхатга тирнаб фойқ қил келтирди.

Рейганининг биографиясига назар солсангиз, аслида унинг ҳаёти бошдан-оёқ коммерциал иборат. Саккиз йил давомида «Генерал элктрик» компаниясига диктор ва актёрлик қилди. У телекран орқали гапни муқаддас Америка турпоғини дахрий руслар оёқ ости қилиш хавфи борлигидан бошлар эди. Уларнинг «қизил биродарлари» конгрессидан тортиб, мактаб кутубхоналари, ҳатто сув ҳавзаларига қадар жойлашиб олганлари ҳақида тинмай ваҳима қилар эди. Ҳар кунин, ҳафтаалар, ойлар, йиллар давомида шу гап. Рейган ўйнаган телеспектакл, телефильмдан чиқадиган хулосада ҳам шу ваҳима. «Генерал элктрик» ҳужайинларининг ўзлари ҳам бу ёлгон гапга ишонмай қўйишди, шекилли, Рейган бошқарадиган телепрограммани ёниб қўйишди.

Елпнша ёлпшар, ўйлаб ўтишга арзаймади... деди Ронни Ўшма Ўшма. У артист, актир. Томошабинга, элп муким, ҳужайинларга ёкиш йўллари билди. Чиндан ҳам автомобиль савдоси қиролн Холмс Таттлага ёкиб қолди.

Автомобиль бизнеси Рейганга бойлик келтирди. 1965 йилга келиб у тузуккина миллионер бўлиб олди, миллионерлардан дўстлар ҳам орттирди. Бойлик орттириш пойгасида тўхтаган номард! Биринг икки бўлишини истасаларинг мени сайланлар, деди у дўстларига. Қирч бир нафар бош саноатчи «Рональд Рейган дўстлари» комитетини тузиб, 50 минг долларга реклама агентлигини елладиладар, сайлов олди компаниясини бошлаб юбордилар. Роннига сиёсий савод ўргатадиган муаллимлар ҳам еллашди. Масалан, Калифорниянинг ўз муаммолари ҳам бор. Бундан ташқари штат турпоғидан қандай дарёлар оқиб ўтиб, наерда қуйилиди. Ҳўш, бўлакча губернатор кутубхонадан ҳам оз-ом халбардор бўлиш керакда.

У қилишди, бу қилишди, миллионерлар Рейганни Калифорния штатига губернатор, кейин Америка Қўшма Штатларидаги йиринк мамлакатга президент қилиб қўштардилар.

Қаранг-а, у худди эртан дағидай нимани оруз қилса, барига эришиди. Эришганда ҳам биринчи хотинига айтган принцинга амал қилиб эришди.

Яна уни яхши билган Гор Вилдига мурожаат этайлик. У шундай гувоҳлик беради: Рейган «келлиган, ёниётгани, андан қаласавид, Ди-жогдоргина хотини бор... Бу тахминли дунёда яроқсиз ҳолга келган сиёсий тузум Штатлар ҳақиқий президенти ўрнига мамлакатни тезорқ урушга қилиш истаб қолганлар томонидан эди, қўлига тутқизилган шпаргалларини ўқиб берадиган эришқоч ўқувчига ўйлиди. Афсуски, Рейган бунинг оқибатини ўйламайди. Аксинча, маъқуллайди. Ҳа-я, айтгандай, қайси артист уруш даври президенти ролини икрос эттишни оруз қилмаган дейсан!»

Ленин Рейганинг бу орузи ҳеч қачон рўббага чиқмайди! Чунки бахтимизга миллати, эътиқодидан қатъий назар, атом уруши инсоният учун фақат ҳалокат келтириши мумкинлигини тушунадиган тинчлик тарафдорларининг сафи тобора кўймаймоқда. Телекамералар орқали кўрсатилаётган қудналик хроникалардан маълум: Европа мамлакатлари, Шимолий Америка, Лотин Америкасиди мамлакатлар кучли тўқини турган уммонга ўхшайди. Яқинда Лондонда, Парламент биносин олдида Гринэм-Коммонга Америка қанотли ракетапарини ташаб қилиб мингалар та тинчлик тарафдорлари ма-нифестация ўтказиладиган. Атом портлаши қурбонлиқдай қўча, майдон, ҳатто парламент бино зиналариға қадар ётиб олинлар. Хис-туйғудан маҳрум «тартиб ўрнатувчилар» учун улар тартиб бузувчиларига эди. Полиция бу намоишчилардан 300 кишини қамқолди олди. Кунин кеча Бонн шаҳрида ҳам худди шундай намоиш бўлди. Тинчлик тарафдорларининг энг инсоний талабларига ҳукумат уртқомқ билан жавоб берди.

Америка Қўшма Штатларида ҳам Оқ уйнинг янги ҳужайини мамлакатини боши берк кўчага олиб кирганини тушуниб, тўхта, шпаргалка билан иш битмайди, дунёнинг, қолаверса, Американинг тақдир чўқур ўйлашини талаб қилади, демокдалар.

ИЗ ЖАҲОНДА тинчлик посбонлари — совет кишилари бутун ақл-заковатимиз, куч-ғайратимиз билан ишлаймиш. Ўз меҳнатимиз билан мамлакатимизни қудратига қудрат қўшувимиз керак. Ҳар бир қалбада мен ўз фойдали меҳнатим билан ядроларнинг аҳолисини олдинки ошлшга қодир хиссамни қўшганим, деган ишчон нур сочиб турмоғи зарур!

Баҳоналар билан исроилликлар Сурияга ҳам дўш-қўшмасалар қилмоқдалар.

Исроил армияси доим жангвор турини керак. Чунки Дамашқ билан Исроил ўртасида низо чўқийди турган гап, — деди Шимоллий округ бошлиғи генерал Дороти.

Сурияга Вашингтон томонидан ҳам дўш-қўшмасалар қилинмоқда. АҚШнинг Давлат департаменти «Суриянинг Янги Шарқиди ҳарбий ва сиёсий таъсирини бўшатириш учун Исроил билан алоқаларини янада мустаҳкамлашини» расмий аълош қилди.

«Литературная газета» дан

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Стамбул ҳарбий трибунали «Еркек» ойлук журналининг бош редакторини уч ой қамқоқ жазосига ҳукм қилди. Журналист турк режиссери Янмаз Гюнеининг «Йўл» фильмига бағишланган мақола эъзида айбланади. Бу қартина 1982 йилда Кени фестивалида «Олтин пальма бағиш» мукофотини кўлга киритган эди. Унда 1980 йил 12 сентябрдаги ҳарбий ўнтаристдан кейинги воқеалар аксини топганди.

ГДРдаги «Карусель» рок-группаси «Шарарфаймиз сени, Гренада» қўшиғини яратди. Қўшиқда АҚШнинг бу кичкина оролга ваҳийларча ҳужуми қатъий қораланади. Қўшиқ текстини таниқли композитор, ашулачи ва шоир Курт Демилер ёзган. Бундай сиёсий қўшиқлар рок-группа репертуарида бир талаф.

Зимбабведа чиқадиган «Етакчи» газеталардан бири бўлган «Геральдининг» хабар беришича, кейинги йилларда Жанубий Африка Республикаси ҳақиқатан ҳам қамқоқхона мамлакатига айланган. Ҳозирги пайтда бу ердаги 224 қамқоқхонада 120 мингдан зиёд «киноятчилар» ётибди. Шулардан 4 мингдан ортигини болалар ташкил қилади. Иркичилик республикаси қамқоқхоналаридидаги «ғуноҳкорлар» асосий қисми ЖАР режимиға қарши курашадиган қора тақли граждандардан иборатдир.

Сингапур ҳокимияти резина сақичларини ишлаб чиқариш ва чайнашни тақиллаш тўғрисида қонун ишлаб чиқиш ниятида. Бунинг сабаби бор. Кўпчилик ишланган резина сақичларини стоилер ҳамда стулларга, кинотеатрлар, рестороанлар ва бошқа жамоат жойлари деор-

Франциянинг нуфузли адабий мукофотларидан бири — Гонкур академиясини мукофоти — бу йил таниқли француз ёзувчиси Фредрик Тристанга «Адашганлар» романи учун берилган. Асарда бутун умри давомида бирор сатр ҳам ёзмаган, бирок бошқалар меҳнатига эъзаига таниқли ёзувчи, ҳатто адабиёт соҳасида Нобель мукофотининг лауреати бўлиб олган, тўқима қаҳрамоннинг тарихи хусусида ҳикоя қилинган. Воқеалар 30-йилларда Италия, Америка, Германия ва Испанияда бўлиб ўтади.

«Рендо» адабий мукофотиға эса кирк» ёшлик ёзувчи Жан-Мари Руар «Ушшоқан аввал» романи учун сазовор бўлган. Автор бу асариди француз йиринк буржуазиясининг 1933 — 1944 йиллардаги ҳаёти аниқ эътирган.

UZBECKA DĚTSKÁ KNĚHA

12.10 - 16.11.1983



АДАБИЁТИМИЗ СОҒЛОМЛИГИ УЧУН

Саид АХМАД

ЯНГИ ХУЖАЙИН

Набижон БОҚИЕВ



Сафар БАРНОЕВ

АМАКИМ

Амакимининг қўллари бор,
Кўзи бор,
Амакимининг йўллари бор,
Сўзи бор.
Амакимининг йўқдир икки
оёғи.
Оёқлари — унинг қўлтиқ
таёғи.
Мана ҳозир йўлга чиқар
Ту-қ, ту-қ,
Қўлтиқтаёқ гижирлайди,
Йу-қ, йу-қ...
Юриб туриб, ўйга чўмар
амаким.
Сўйиш учун шовиб қолар
аллакани.
Нафасини яна ростлаб
оқидилар,
Ен-веридан тикилади
одамлар.
Қўлтиқтаёқ инграб борар
Ту-қ, ту-қ,
Бу дегани урушга йўл —
Йу-қ! Йу-қ!

ЎЗИМ БИЛАРДИМ...

Азаматга гап қилмас қор,
«Икки»лари қатор-қатор,
Дарс ўқитар десаң дарҳол
У бошини ликилатар:
— Бунинг ўзини билардим!
Сўз очилса қайси фандан,
Ўйчан турар у дафъатан,
Банд юргандек ялм билан,
У бошини ликилатар:
— Бунинг ўзини билардим.
Болалар дер: — Эй, хум
калла,
Ичи бўм-бўш, эй, хом қалла,
Сени билмас қай маҳалла?
У бошини ликилатар:
— Бунинг ўзини билардим!

ЎЙЛАПТИ

Жаҳонгир ўйлапти,
Нимани ўйлапти?
Атрофга қараб туриб,
Ичиди сўйлапти.
Болалар ўртоқ бўлса,
Ахил ва иноқ бўлса,
Елгон, гийбат, ваҳима —
Улардан йироқ бўлса.
Ранжмаса муаллим,
Инжамаса муаллим,
«Беш» қўйшдан ҳеч қачон,
Тунчимаса муаллим,
Ўқушнинг болалар,
Ўқушнинг болалар,
Шодон уса, шод уса,
Дил қўйлапти болалар.
Нимани ўйлапти?
Туртиб қолди ўртоғи,
Чиниб қолди шу билан
Ҳамма ишнинг чатоғи...

АЙИҚПОЛВОН

Айиқполвон ўйин тушар,
Авжада чапак қийирини,
Оқиллардан қалб жўшар,
Қилар яна минг қилқ.
Нағма қилиб эгасига,
Қараб қўй қайрилиқ.
Бир жуфтайна ойна қандан
Қолмайин деб айрилиқ.

ЧУМОЛИНИНГ ИЗЛАРИ

Чумолининг изларини
Кўриб қолди,
Туяни гарани,
Деди: — бу ҳам энг қадимий
Езув бўлса керак,
Қаранг.

АНВАР ОБИДЖОН

ТУЛКИНИНГ

ТАРЖИМА ҚОЛИ

(«Игналарим чиройли»
туркумидан)
Эҳтиёт шарт уймага
Уч-тўрт эшик отганман.
Биттасини бузсалар,
Бошқасидан қочганман.
Юмалатиб ариқда
Ямлаганман Қиринни.
Авраб хатто Балқини
Ушлаб олдим бир кунин
Иккинчи ёш Хўрога
Дўсликка сўз берганман.
...Икки дўстим бор эди
Биттасини еганман.

КИТНИНГ ТАРЖИМА

ҚОЛИ

Океанда бозор йўқ,
Йўқдир ақтор ва дўкон.
Менга сандиқ керакмас,
На чақам бор, на ҳаман.
Ўт ёқмайман қозонга
Воғда мева қоқмайман.
Нон ёпмайман саҳарлаб,
Сигир-эчки соғмайман.
Дон эқмайман ер чопиб,
Сув очмайман экинга,
Тутсам, ейман текинга.

Биз бир гуруҳа зоологлар ва чорва-
дорлар Қашқир билан Бўрнини Бош
уста номидаги медалга номзод қилиб
курбатилганидан бошимиз осмонга етди.
Бўр билан Қашқир биз чорвадор-
ларнинг энг яқин ёрдамчимиздир. Ўт-
мишда бу жониворларга қарши қанча-
дан-қанча фитиллар бўлмади, дейсан.
Тушунмаган оғиллар уларни қириб
ташладилар. Ҳатто битта бўри ёки бит-

та қашқир отган овчига қимматбаҳо
мукофотлар беришган.
Эндиларда бу хилдаги тушунмовчи-
ликка кескин чек қўйилди.
Олимларимиз Бўри билан Қашқирни
«ТАБИАТ САНИТАРИ» деб жуда тўғ-
ри баҳоладилар ва бу жониворларни
«Қишлоқ китоби»га ёзиб қўйдилар.
Бўрининг замонимизда фан ҳеч қачон
изланмишдан, кашф қилинмишдан тўхтамай-
ди. Изланувчан, талантли олимларимиз

(айниқса, филолог олимлар) бўри би-
лан қашқирнинг нанки табият санита-
ри экани, ҳатто адабиёт санитари экани
ҳам исбот қилиб бердилар.

Бир гуруҳа зоологлар ва
чорвадорлар.

Қуйида ушбу ўртоқларнинг илтимос-
ларига кўра Тошкент ҳайвонот боғидан
ёзиб келинган бир репортажнинг эътибор-
ингизга ҳавола қиламиз.

— Бор. Сами Абдулҳақхорни кенки
овқат менасига йиритишган экан.

— Унга тишим ўтмайди. Тушликка
суюққина Ямин Қурбонни еб қўя қолар-
ман. Сиз-чи, сиз қайси бирини ейсиз?
Қашқир ўйлаб ўтирмай жавоб қил-
ди.

— Юмшоқроқ Мухтор Худойкулов
дуруст. Ҳазимам осон.

Сўхбат аввиги чикқанда қафас те-
ласига қўнган Ханка хушхабар олиб
келди.

— Эшитмадим демангллар, ҳайвонот
боғимизнинг ошхонасига масалчиларин
олиб келишди.

Қашқир билан Бўри бир-бирларига
маъноли қараб, лабларини ялаб қўйиш-
ди.

Ш. БАЛТАИ (ШАЛТАИ
БАЛТАЕВ)

Концертнинг иккинчи қисмида конференсье саҳнага
чиқиб, бугунги концертда қўйишчи Болта Загирев бегоб-
лиги туфайли қўйиш айтмасининг эълон қилган экан, эди,
залда гулдурас оқиллар инграб кетди. Бундай хушха-
барни эълон қилгани учун конференсьени гулдасталарга
қўйиб юбордилар.

Агар Турғунлов яна шунақа хушхабарлардан икки мар-
та эълон қилса, клубга унинг номи бериларди бўлди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

МАСАЛЧИ ВА ШЕР

Масалчи ўрмон ичра сайр этиб юрар эди,
Янги асар устиди хаёллар сурар эди.
Жониворлар бу ҳолдан воқиф бўлиб қолдилар,
Масалчининг ногаҳон банди қилиб олдилар.
Қулоқ соймай тутқунинг аяниши, додига,
Олиб келдилар зумда Шер — подшонинг олдида.
Дедилар:

— Тақсир, бу шахс бизлар ҳақда ёзади,
Ҳаётимизга хилоф хангомалар тузади.
Қилишини айтсак тил, гар айтмасак дил куяр,
Гоҳ сиз улуг зотини ҳам Қўён амрига қўяр.
Жаноб Тулки қаргани авраб шишлоқ сурайди,
Хуллас, у барчамизни ҳар хил айбга ўрайди...
— Бас, биларман! — деди Шер, — гапни қўйинг!

Тутқун, тур!

Қани, сен бу ахволининг сабабини тушуинг!

Ўзини оқламаса бир гап бўлишин билан,
Масалчин тилга кирди ютишиб, томоқ қириб:

— Тақсирим! Рости, мана, шундай масалча бўлганим,
Не ёзган бўлсам, боддан кечирганим, кўрганам,
Гоҳида жанман, юлғич, нокаси қолар қўнғим,
Нотасан, сен учун ҳам гали гап эрур унинг!

Биров ҳаётни пўл деб, биров ажал деб билар,
Оқибат рост эгилди, ёлгон тантанга қилар.

Очқ айтсам бу қолли, улар хўп пухта, айёр,
Имкон топиб, пайимин қирқишга турар тайёр.

Ишоралар эгасин топади, деб ўйладим,
Билганимни сизларнинг тилингиздан сўйладим.

Не қилай, айтсам тилим, айтмасам дилим куяр,
Шу сабаб масал битсам қўнғим тасалли тўяр...

Тинглагач Шер деди:

— Бу ҳаётнинг сирин экан,
Қўйинглар, бечорага шундай ҳам қийин экан!
Бухоро

КОРРЕКТОР
ДАФТАРИДАН

Кириш имтиҳони

Сўз касбининг устаси

Ўқувчилар касб танлаш

Кўчасига тўплашиди

Уста пар ёстиққа тош

қўйди

Этиб қолгунча сотиб қол

Анқонинг қуруғи

Итсиз боғланди

Қиш васли

Тўловчилар: Қ. Ҳожиев,

Н. Йўлдошев, С. Абдухо-

лиқов, Р. Иброҳимов, С.

Нишонов, Ш. Аҳмедов

ШУМ БОЛА ТАХРИР ҚИЛГАН МАҚОЛЛАР

Буюрганики эмас, юргганики.

Тер тўқканга бир ёнғоқ, тўқмаганга беш ёнғоқ.

Порадан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик.

Қўнғинг тор бўлса ҳам, уйинг кенг бўлсин.

Муҳаббат тўйда керак, ҳусн кунда керак.

Бетга айтмаганининг захри йўқ.

Қуруқ саватдан қуруқ савлат яхши.

Сочи узун хотиннинг ақли қисқа бўлмас.

Даъвогаринг зўр бўлса, дардингни ҳамёнга айт.

Мусоҳон АБДУЛҲАЕВ

Оськин директор хонасини

очди:

— Чақиртирган экансиз.

— Ҳа, кира қол. — Ди-

ректор креслога ясланиб оқ-

тирди: — Қани айт-чи, бў-

лимиздаги тажриба қандай

ўятти?

— Нима десам экан, —

деди Оськин жонланиб,
социологларнинг тавсиясига
кўра бутун бўлиш шарт бўл-
ган экан, жинс ва ёш билан
қатъий назар, бир-бири бў-
лан «сен»лаб гаплашишга ўт-
ди. Социологлар олдидан
башорат қилишганидай, ки-
шилар ўртасидаги муносабат
эркин, табиий тус олдди, шу-
нинг натижасида ишлаб чи-
қариш самарадорлиги ва иш
сифати янада ортади, деб
айтишга асос бор.

— Сени ҳам «сен»лашпа-

тими? — қизиқсинди дирек-

тор.

— Бўлмасамчи? — деди

Оськин ҳайрон бўлиб. — Акс

ҳолда тажрибанинг нима

хонати бор.

— Тўғри, — деди дирек-

тор. Дарвоқе, нега энди

мени сизлашсан?

— Шунақами? — серган

тортиди Оськин. — Ўрганиб

қолганимдан бўлса керак...

— Ҳай майли, қани энди

мени битта «сен»лаб гапир-

ворин.

— Нима дейишим керак?

— Ўзинг биласан, — деди

директор елкасини қисиб.

БОЛАНИНГ
ТИЛИ ШИРИН

— Болалар, ҳозирги замон
феллини тушуинтирмади. Ма-
сала, меҳ елман, сен ел-
сан, у елпти. Биз елпимиз,
сиз елпиз... Аҳмад, тушу-
дингми?

Аҳмад зудлик билан лун-

жини бўшатиб, деди:

— Ҳамма елпти.

Ойлада бир йўла уч фар-

занд туғилди. Катта ўғил да-

дасидан сўради:

— Дада, уларнинг ҳамма-

си бизникида қолишадими

ёки бирорта янглайдигани-

ни ажратиб оламизми?

А. МАЖИДОВ

— Ёулмоним, сен катта

бўлсанг ким бўласан?

— Акам бўламан. Акамга

ўшаб ерни сузадиган трак-


тор қайдаман.

О. ЎСАРОВ


Фарғона



Рассом Р. РАЖАБОВ



Рассом М. УНГАРОВ



Рассом Р. АБДУЛЛА

